РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ PhD.10/30.12.19.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

ВАЛИЖАНОВА ЗИЁДА ИЛЬХАМОВНА

СПОРТЧИЛАРДА ЖИСМОНИЙ ВА ПСИХОЭМОЦИОНАЛ ЗЎРИҚИШ ТАЪСИРИДА ОШҚОЗОН ИЧАК ТИЗИМИ ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ

14.00.38 – спорт тиббиёти

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

УЎК: 616.33/.35:796.015.6:159.91:796.071.2

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Валижанова Зиёда Ильхамовна
Спортчиларда жисмоний ва психоэмоционал зўриқиш таъсирида ошқозон ичак тизими функционал ҳолатини баҳолаш…….....…...3

Валижанова Зиёда Ильхамовна
Оценка функционального состояния желудочно-кишечного тракта под влиянием физической и психоэмоциональной нагрузки у спортсменов ……29

Valizhanova Ziyoda Ilkhamovna
Evaluation of the functional state of the gastrointestinal tract under the influence of physical and psycho-emotional stress in athletes…….....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……..61

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ -АМАЛИЙ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ PhD.10/30.12.19.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ АМАЛИЙ МАРКАЗИ

ВАЛИЖАНОВА ЗИЁДА ИЛЬХАМОВНА

СПОРТЧИЛАРДА ЖИСМОНИЙ ВА ПСИХОЭМОЦИОНАЛ ЗЎРИҚИШ ТАЪСИРИДА ОШҚОЗОН ИЧАК ТИЗИМИ ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ

14.00.38 – Спорт тиббиёти

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Tib2594 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида тайёрланди.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.medsport.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Юлдашева Гулчехра Рустамовна** тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Турсунов Нодиржон Ботирович** тиббиёт фанлар номзоди, доцент
	Собирова Гузал Наимовна тиббиёт фанлар доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Тошкет педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳузуридаги PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 рақамли Илмий илмий кенгашнинг 2025 йил «__ __ __» _____ соат ___ __ __даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100027, Тошкент шахри, Шойхонтохур тумани, Ботир Зокиров кўчаси, 6-уй. Мажлислар зали. Тел./факс: (99871) 241-52-45, e-mail: medsport@gmail.com).

Диссертация билан Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100027, Тошкент шахри, Шойхонтохур тумани, Ботир Зокиров кўчаси, 6-уй. Тел./факс: (99871) 241-52-45, факс: : (99871) 241-30-93)

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____да куни тарқатилди.
(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Р.Мавлянов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Э.Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, к.и.х.

А.А.Ходжиметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда, замонавий спортда юқори натижаларга эришиш учун экстремал шароитларда олиб бориладиган жисмоний машғулотлар ва зўриқишларнинг спортчилар саломатлигига таъсири ўртасида ижобий мувозанат зарурлиги катта аҳамияга эга. БМТ Бош Ассамблеясининг 2010 йил 22 сентябрдаги 65/1-сонли резолюциясида белгиланишига кўра, "…Минг йилликни ривожлантириш Декларациясида, спорт ривожланиш мақсадларига эришишга ҳисса қўшади ва барқарор ривожланишни таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир"[1]. Ўсмирлар спорт контингентининг баркамол ривожланишини шакллантириш учун машғулот юкламаларини танлаш, меҳнат ва дам олиш тартиби, мувозанатли овқатланиш каби муаммоларни ҳал қилиш керак. Ушбу компонентларнинг барчаси "спортчининг овқатланиш ҳолати" тушунчасини ташкил қилади. Ўсмир спортчиларнинг овқатланиш ҳолатини баҳолаш масаласи ҳал этилмаган ва долзарб муаммо бўлиб, унинг ҳал этилиши саломатликни сақлаш ва спорт маҳоратини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда ўсмир ёшдаги дзюдочиларнинг нутритив ҳолатини ўзига хос хусусиятларини баҳолаш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада антропометрик ва функционал кўрсаткичлар асосида дзюдочиларнинг нутритив статуси, макронутриент таркиби ва энергия сарфи кўрсаткичлари асосида уларнинг фактик овқатланишини таҳлил қилиш, жисмоний машғулотлар жараёнида энергия сарфи, назорат-педагогик синамалар асосида жисмоний тайёргарлик даражаси ҳамда комплекс таҳлил асосида уларнинг нутритив статусини баҳолаш мезонларини аниқлаш дастурини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, спортчилар орасида қатор ўзгаришларни эрта ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «....бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш....»[2] каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, ўсмир ёшдаги дзюдочиларнинг нутритив статусини ўзига хос хусусиятларини оптималлаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

---

[1] БМТ Бош Ассамблеясининг 2010 йил 22 сентябрдаги 65/1-сонли резолюциясида. Спорт тинчлик ва тараққиёт манфаати учун: спорт ва олимпия идеаллари тимсоли орқали дунёда тинчлик ўрнатиш ва бахтли ҳаёт қуришни тасдиқлаш.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ 5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 18 декабридаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги 118-сонли «2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонининг ўрганилганлик даражаси. Жисмоний машқларнинг спортчиларда ОИТ тизими секрецияси функциясига таъсири масаласи бутун дунё бўйлаб илмий тадқиқотларда кенг ёритилган. Ривожланган мамлакатларда, масалан, АҚШ, Германия ва Японияда йирик университетлар ва тиббиёт муассасалари бу соҳада фаол тадқиқотлар олиб бормоқда. Масалан, Stanford University профессори James Miller (Miller et al., 2018) ва University of Tokyo доктори Tanaka Hiroshi (Tanaka et al., 2020) олинган ишлар ОИТ нинг жисмоний юкламаларга адаптация механизмларини тушунишга катта ҳисса қўшган.

Собиқ иттифоқ давлатларида ҳам бу масалага қизиқиш ортмоқда. Айниқса, Украина олимлари жисмоний юкламаларнинг ОИТ фаолиятига таъсирини ўрганмоқдалар. Масалан, Киевдаги Тарас Шевченко номидаги миллий университети тадқиқотлари (А.В.Петренко ва бошқалар, 2019) спортчиларга индивидуал ёндошувни ишлаб чиқиш муҳимлигини кўрсатмоқда.

Ўрта Осиё мамлакатларида, масалан, Қозоғистон ва Қирғизистонда ҳам ушбу мавзу тадқиқотчиларнинг эътиборини тортмоқда. Баъзи тадқиқотлар, жисмоний юкламаларнинг ОИТга таъсирини ўрганишга бағишланган бўлсада, уларнинг сони ҳали чекланган. Масалан, Л.Н. Гуманов номидаги Евроосиё миллий университети олимлари (Б.К.Сейдаҳеметов ва бошқалар, 2021) тадқиқотларини ўтказган ва уларнинг натижалари машқлар

интенсивлиги билан ОИТ ўзгаришлари ўртасида боғлиқликни кўрсатади.

Ўзбекистонда эса ушбу муаммо ҳали фаол ўрганиш босқичида. Ушбу мавзуда нашр этилган илмий ишлар сони кам бўлса-да, баъзи мақолалар мавжуд бўлиб, улар жисмоний фаолиятнинг ОИТ таъсирини ўрганади. Масалан, Самарқанд давлат тиббиёт университети олимлари (Ш.Ш.Нурматов. ва бошқалар, 2017) жисмоний юкламаларнинг футболчиларнинг ОИТ ферментларининг секрециясига таъсирини ўрганишган. Бироқ жисмоний ва психоэмоционал зўриқишлар ОИТ функционал ҳолатига таъсирини ўрганиш бўйича қатор муаммолар мавжуд ва бу чуқур изланишлар талаб этади. Шундай қилиб, бу масаланинг ўрганилиш даражаси мамлакатларнинг географик жойлашуви ва илм-фан ривожланиш даражасига боғлиқ.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадиқот муссасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика спорт тиббиёт илмий амалий марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ П3-20170928597 «Спорт натижаларини прогнозлаш ва ўқув-машқ дастурларини муқобиллаш учун спортчилар физиологик ҳолатини математик моделини яратиш» мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси дорасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади циклик спорт турлари билан шуғулланувчи ўсмир спортчиларда жисмоний юкламалар шароитида ошқозон-ичак тизими функционал ҳолатини ўрганиш ва ундаги ўзгаришлар билан спортчи психо-эмоционал ҳолати орасидаги боғлиқликни аниқлашдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўсмир спортчиларда жисмоний юклама таъсирида ошқозон-ичак тизими функционал ҳолатини ўрганиш ва баҳолаш;

жисмоний юклама таъсирида ўсмир спортчиларининг ичак микробиомларини ўрганиш ва мавжуд ўзгаришларни аниқлаш;

жисмоний юклама таъсирида ўсмир спортчилар психо-эмоционал ҳолатини ўрганиш ва уни спортчи тайёргарлик жараёнига таъсирини баҳолаш;

лактобацилларнинг оксидланиш стресси, яллиғланиш жараёнлари билан ўсмир спортчиларнинг жисмоний фаоллиги орасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш ва баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳри Республика Олимпия ва Паралимпия спорт турларига спортчиларни тайёрлаш марказидаги 102 нафар ўсмир спортчилар ташкил этган. Назорат гуруҳини эса спорт билан шуғулланмайдиган 16 нафар соғлом ўсмир ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети клиник ва инструментал текширувлар натижалари, шунингдек, ёш спортчилардан олинган қон, сўлак ва нажас намуналари бўлган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида клиник-лаборатор,

микробиологик ва биокимёвий таҳлил усуллари қўлланилди, шу жумладан сўлак ва қонни, копрограмма ва бактериологик таҳлилини ўрганиш. Ички органларнинг ҳолатини баҳолашда инструментал усуллар, хусусан трансабдоминал ультратовуш текшируви қўлланилган. Барча олинган маълумотлар тегишли таҳлил усуллари ёрдамида статистик таҳлил қилинди, бу эса натижаларни ишончли тарзда талқин қилиш ва асосий қонуниятларни аниқлаш имконини берилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

циклик спорт турлари билан шуғулланувчи ёш спортчиларда қорин оғриғи ва қорин дам бўлиши билан бирга кечувчи меъда ичак тизими функционал бузилишлари спортчи бўлмаган ўсмирларга нисбатан кўпроқ учраши ва улар жисмоний юкламаларга спортчи организми жавоб реакцияси турларига боғлиқ эканлиги аниқланган;

циклик спорт турлари билан шуғулланувчи ёш спортчиларда жисмоний юкламалар шароитида ичак микробиоценозида дисбиотик ўзгаришлар учраши ва уларининг намоён бўлиш даражаси билан жисмоний юкламалар интенсивлиги орасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги асосланган;

ёш спортчиларда ичак дисбиози синдромини келиб чиқиши уларнинг жисмоний фаоллигига салбий таъсир қилиши ва психо-эмоционал ҳолатида ўзгартиришлар келтириб чиқариши исботланган;

лактобацилларнинг оксидланиш стресси, яллиғланиш ва спортчиларнинг жисмоний фаоллиги, хамда психо-эмоционал ҳолатига таъсир қилиши туфайли ёш спортчилар жисмоний тайёргарликни яхшилаш ва машғулотлар жараёнида чарчоқлик даражасини камайтириш учун ошқозон-ичак тизими функционал бузилишларини эрта ташҳислаш ва самарали коррекция қилиш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

циклик спорт тури билан шуғулланувчи ёш спортчиларда ичак микробиотаси ва психо-эмоционал ҳолатини ўрганиш тасия этилган;

спортчиларнинг соғлиғига психо-эмоционал ва жисмоний юкламалар таъсирини ҳисобга олган ҳолда ошқозон-ичак тизимининг функционал бузилишларини олдини олиш ва даволашнинг янги концептуал ёндашувлари ишлаб чиқилган;

ўсмир спортчиларда жисмоний ва психоэмоционал зўриқишлар таъсирида ичак микробиотасининг бузилишини эрта ташҳислаш ва самарали коррекция қилиш усули таклиф қилинган ва амалиётга татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, физиологик, антропометрик, соматометрик, физиометрик, инструментал, бактериологик, клиник-биокимёвий ва статистик тадқиқот усуллари асосида ОИТ функционал бузилишларини эрта ташҳислаш орқали спорт мувоффақиятини оширувчи ёндошувларни ишлаб чиқишни халқаро

ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ёш спортчиларда жисмоний ва психоэмоционал зўриқишлар таъсирида ошқозон ичак тизими фаолиятини чуқур ўрганиш хамда аниқланган функционал бузилишларни эрта ташҳислаш ва самарали даволашда янгича ёндашувнинг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, клиник, лаборатория, инструментал тадқиқотларни баҳолаш асосида ўсмир спортчилар орасида жисмоний ва психо-эмоционал зўриқишлар таъсирида ошқозон-ичак тизими функционал бузилишларини эрта ташҳислаш ва самарали коррекция қилиш орқали жисмоний тайёргарлигини ошириш бўйича амалий таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.

Олинган илмий натижаларга асосланиб, циклик спорт турлари билан шуғулланувчи ўсмир спортчиларда жисмоний ва психо-эмоционал юкламалар туфайли келиб чиқадиган ошқозон-ичак тизимининг функционал бузилишларининг аниқланиши ҳамда даволаш бўйича махсуслаштирилган тавсиялар ишлаб чиқилган ва “Спортчиларда ошқозон-ичак тизими функционал бузилишлари билан бирга ичак микробиотасини ташҳислаш ва коррекция қилиш усуллари” номли услубий тавсиялар (13.04.2024 санадаги хулоса №13) тасдиқланган. Ушбу тавсиялар Республика Олимпия ва Паралимпия спорт турларига спортчиларни тайёрлаш маркази (2024 йил 5 мартдаги жорий этиш ҳақидаги акт №113) ва “Спартак” болалар футбол клуби фаолиятига (2024 йил 27 февралдаги жорий этиш ҳақидаги акт №97) татбиқ этилган.

биринчи илмий янгилик: илк марта циклик спорт турлари билан шуғулланувчи ёш спортчиларда қорин оғриғи ва қорин дам бўлиши билан бирга кечувчи ошқозон-ичак тизими функционал бузилишлари спортчи бўлмаган ўсмирларга нисбатан кўпроқ учраши аниқланди. Бу бузилишлар жисмоний юкламаларга ва спортчи организмининг уларга бўлган индивидуал жавоб реакциясига боғлиқ эканлиги асосланган. Натижада, ушбу ҳолатларнинг олдини олиш ва даволаш учун махсус тадбирлар жорий қилиш зарурлиги кўрсатилган. Мазкур инновация биринчи марта тиббий амалиётга киритилди ва тегишли тартиб-қоидаларда расмийлаштирилди: Республика Олимпия ва Паралимпия спорт турларига спортчиларни тайёрлаш маркази (2024 йил 5 мартдаги жорий этиш ҳақидаги акт №113) ва “Спартак” болалар футбол клуби (2024 йил 27 февралдаги жорий этиш ҳақидаги акт №97). *Ижтимоий самарадорлиги*: мазкур коррекция усули спортчиларда ошқозон-ичак тизими касалликларини камайтириш орқали уларнинг вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш ва ногиронлик ҳолатларининг олдини олади. Шунингдек, спортчилар соғлиғини тезроқ тиклаш ва уларни спорт

машғулотларига қайтариш имконияти туғилади, бу эса уларнинг спорт натижаларини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш соҳасидан молиявий тежашлар чиқариб олиш имконини яратади. Бу албатта спортчиларнинг касбий фаолиятларини қўллаб-қувватлаш ва муваффақиятли спорт фаолиятини таъминлаш учун жуда муҳимдир. *Иқтисодий самарадорлиги*: таъкидлаш жоизки, спортчиларда овқат ҳазм қилиш йўлларининг касалликларини замонавий усуллар билан даволаш харажатларини сезиларли даражада камайтириш имконини беради. Ана шундай иқтисодиётга яқин ҳисоб-китобларга кўра, оддий даволаш усулларида ҳар бир спортчини даволаш ўртача 23307228 сўмга тушса, замонавий усулда бу миқдор 19262040 сўмга тушади. Бу ўринда бемор учун белгиланган маблағлар миқдори тахминан 4450188 сўмга камаяди. Мураккаб тизимли даволаш ишлари самарадорлиги бўйича фақат даволаш муддати қисқариши билан чекланиб қолмайди, балки бундай даволашнинг ўзи орқали спортчилар организмида ривожланиб бораётган касалликларни тўхтатиш ва назорат остига олиш имконини тақдим этади. Ушбу қийматларни баҳолаганда очиқ кўриниб турибдики, замонавий даволаш усуллари иқтисодиётимизга кўпроқ зарар етказмайдиган бўлади. *Хулоса*: ортиқча вақт ва маблағ сарфлаб бўлмайдиган янги даволаш усулларини жорий этиш бугунги куннинг талабидир. Шу сабабли тиббий соҳага давлатимиз томонидан ажратилаётган маблағлар оқилона тақсимланиши зарурлигини яна бир карра таъкидлаш ўринлидир.

иккинчи илмий янгилик: илк марта циклик спорт турлари билан шуғулланувчи ёш спортчиларда жисмоний юкламалар шароитида ичак микробиоценозида дисбиотик ўзгаришлар учраши ва уларнинг намоён бўлиш даражаси билан жисмоний юкламалар интенсивлиги орасида ўзаро боғлиқлик аниқланди. Бу ишланма, спортчиларда овқат ҳазм қилиш тизимини яхшилаш ва жисмоний юкламаларга мутаносиб индивидуал муолажаларни жорий қилиш орқали уларнинг соғлиғини сақлаш ва спорт натижаларини ошириш имконини берган. Бу янгилик республикамиз тиббий амалиётига киритилган махсус методикани ташкил этди: Республика Олимпия ва Паралимпия спорт турларига спортчиларни тайёрлаш маркази (2024 йил 5 мартдаги жорий этиш ҳақидаги акт №113) ва “Спартак” болалар футбол клуби (2024 йил 27 февралдаги жорий этиш ҳақидаги акт №97). *Ижтимоий самарадорлиги*: инновация спортчилар соғлиғини яхши ҳимоя қилишга хизмат қилади, уларнинг ишлаш қобилиятини ошириб, спорт натижаларини яхшилайди. Жисмоний жароҳат ва касалликлардан сақланиш даражаси ошади, спортчилар миллий терма жамоамиз таркибида узоқ муддат мобил бўлиш имконига эга бўладилар. Бу кўрсаткич спортчи учун икки томонлама қулайлик яратиб, соғлиқни сақлаш тизими учун ҳам маъсулиятсизликдан халос бўлиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги*: янги усулда спортчиларни даволашга кетадиган маблағлар самарали равишда тежалиб, одатий даволаш йўналиши бўйича 23307228 сўмлик харажат ўрнига, янги метод асосида ўртача 19262040 сўм сарфланади. Бу эса ҳар бир спортчи учун қарийб 4450188 сўм маблағни тежаш имконини

яратади. Шунингдек, даволаш самарадорлиги ўсиб, тўлиқ тузалганлар улуши 63,3%дан 86,7%га кўтарилди, бу эса инновациянинг алоҳида клиник аҳамиятини белгилайди. *Хулоса*: мазкур янги даволаш усули спорт тиббиётида қимматли ҳисса бўлиб, спортчилар соғлиғини мустаҳкамлаш ва касбий фаолият учун зарур бўлган мажбурий профилактика йўналишларини шакллантириб беришга хизмат қилади.

учинчи илмий янгилик: циклик спорт турлари билан шуғулланувчи ёш спортчиларда ичак дисбиози синдромининг пайдо бўлиши, уларнинг жисмоний фаоллигига салбий таъсир қилиши ва психо-эмоционал ҳолатини ўзгариши аниқланди. Бу ҳолатлар, жисмоний юкламалар ва психоэмоционал зўриқишларларнинг таъсирида юзага келиши ва уларнинг натижаларга бўлган таъсири профилактика ва индивидуал даволаш усулларини жорий қилиш зарурлигини кўрсатилган. Мазкур янгилик биринчи марта расмий тиббий амалиётга Ўзбекистон Республикаси тиббий муассасалари томонидан татбиқ этилган бўлиб, қуйидаги ҳужжатларда акс эттирилган: Республика Олимпия ва Паралимпия спорт турларига спортчиларни тайёрлаш маркази (2024 йил 5 мартдаги жорий этиш ҳақидаги акт №113) ва “Спартак” болалар футбол клуби (2024 йил 27 февралдаги жорий этиш ҳақидаги акт №97). *Ижтимоий самарадорлиги*: ичак микробиомасининг бузилишлари спортчиларнинг психо-эмоционал ҳолатига салбий таъсир кўрсатади: улар таъсирчанлик, депрессия ва эзилувчанлик ҳолатларига дучор бўлишади, бу эса ўз навбатида спорт фаолиятида иштирок этиш ва юқори натижаларни қўлга киритиш имкониятларини чеклайди. Янги услуб орқали ўтказилган даволаш жараёни эса спортчиларнинг руҳий-сифатий ҳолатини яхшилайди, хавф-хатар ҳолатларини камайтиради, ишчанлик қобилиятини ва ўзини тутиш маҳоратини ошириб, уларнинг фаолиятини доимий равишда таъминлайди. Амалиётга татбиқ этилган ушбу услуб туфайли спортчилар соғлиғини яхшилаш, ўз фаолиятини давом эттириш ва юқори натижаларга эришиш имкониятига эга бўлишади. Бу эса ўз навбатида, аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш ва давлат спорт соҳасининг ривожланишига катта ҳисса қўшади. *Иқтисодий самарадорлиги*: ичак микрофлорасининг соғлом ҳолатини сақлаб туриш орқали спортчиларнинг руҳий-сифатий ҳолатини яхшилаш ижтимоий аҳамиятга эга бўлган жараён бўлиб, бунда соғлиқни сақлаш тизимига йўналтирилган маблағларнинг тақсимоти ва миқдори масаласи ҳам ҳал қилинади. Шифохонада вақт ўтказиш муддати қисқариши, дори-дармон маҳсулотларини самаралироқ қўллаш натижасида тиббий харажатларнинг қисқариши каби ижобий оқибатлар кузатилади. Хусусан, янгиликнинг иқтисодий самарадорлигини аниқ рақамлар орқали кўрсатиш мумкин: маҳаллий дори воситаларини қўллаш билан боғлиқ стандарт даволаш усули бир спортчини даволаш учун ўртача 23307228 сўмга тушса, замонавий усул (L. plantarum пробиотикини қўллаш) бу кўрсаткични 19262040 сўмга туширади. Демак, бир спортчи учун ўтказилган даволаш усулидан ўртача 4045188 сўм миқдорида иқтисодий самарадорлик ҳосил бўлади. Натижада соғлиқни сақлаш тизимида ортиқча харажатларсиз юқори

самарадорликка эришиш мумкин бўлади, бу эса давлат соғлиқни сақлаш сиёсатининг мақсадларига ҳамоҳангдир. *Хулоса:*биринчи марта ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган ичак микробиомасини ўрганиш ва бартараф этиш бўйича инновацион дастур спорт тиббиётида жиддий аҳамиятга молик янгилик ҳисобланади. Тадқиқот натижалари ушбу инновациянинг ижобий ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятини исботлади, бу эса спортчилар соғлиғини мустаҳкамлаш ва юқори спорт натижаларига эришишда асосий омиллардан бири эканлигини кўрсатади.

тўртинчи илмий янгилик: биринчи марта лактобацилларнинг оксидланиш стресси, яллиғланиш ва спортчиларнинг жисмоний фаоллиги ҳамда психо-эмоционал ҳолатига таъсир қилишини инобатга олган ҳолда, ёш спортчиларда меъда-ичак тизими функционал бузилишларини эрта ташҳислаш ва самарали коррекция қилиш усуллари ишлаб чиқилган. Бу усуллар спортчиларнинг жисмоний тайёргарлигини яхшилаш ва машғулотлар жараёнида чарчоқлик даражасини камайтиришга қаратилган. Ушбу янгилик илк бор расмий тиббий амалиётга татбиқ этилган бўлиб, уни Республика Олимпия ва Паралимпия спорт турларига спортчиларни тайёрлаш маркази (2024 йил 5 мартдаги жорий этиш ҳақидаги акт №113) ва “Спартак” болалар футбол клуби (2024 йил 27 февралдаги жорий этиш ҳақидаги акт №97) томонидан тасдиқланган ҳужжатларда акс эттирилган. *Ижтимоий самарадорлиги*: Мазкур инновация асосида спортчиларда индивидуаллаштирилган микробиомни коррекция қилиш дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, бу касалликларнинг ривожланиш хавфини камайтиради ва спортчиларнинг мунтазам жисмоний фаоллигини таъминлайди. Натижада спортчилар ўз меҳнат қобилиятларини узоқроқ муддат давомида сақлаб қоладилар, юқори спорт натижаларига эришадилар ва мусобақаларда фаол иштирок этишади, бу эса мамлакат спорт нури ва жамоатчилик орасида спортни фаол тарғиб қилиш даражасини оширади. *Иқтисодий самарадорлиги*: спортчиларда ичак микробиомасини тўғрилаб бориш тадбирлари уларнинг соғлиғини сақлашга оид молиявий харажатларни қисқартиришга ёрдам беради. Бу усул касалликлардан кейинги даволаниш ва тикланиш жараёнларининг харажатларини камайтиради, тиббий текширув ва соғлиқни назорат қилиш харажатларини тежайди. Аввалги ҳисоб-китобларга кўра, мазкур инновация натижасида йилига битта спортчи учун ўртача 4045188 сўм миқдорида иқтисодий самарадорлик ҳосил бўлади. *Хулоса:* ичак микробиомасининг ҳолатини илмий асосланган ҳолда бошқариш спортчиларнинг жисмоний ҳолатини мустаҳкамлаш ва касалликларнинг олдини олишнинг муҳим омили эканлиги исботланди. Амалиётга татбиқ этилган ушбу инновация спорт натижаларини яхшилаш, меҳнат қобилиятини сақлаб қолиш ва молиявий харажатларни қисқартиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 1 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва хажми диссертация кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 106 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблигини, мақсади ва вазифаларини асослайди, ўрганиш объекти ва мавзусини тавсифлайди. Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш, нашр этилган ишлар ва ишнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ичак микробиотаси дисбаланси спортчилар организмида жисмоний ва психоэмоционал зўриқиш хавф омили сифатида (адабиётлар мушоҳадаси)”** деб номланган биринчи бобида инсон организмининг жисмоний ва психоэмоционал зўриқишларга реакцияси, ичак микробиотасининг аҳамияти ва унинг жисмоний юкламага бўлган жавоблари хусусидаги адабиётларнинг замонавий таҳлили келтирилган. Мавзунинг муҳимлиги ва тадқиқотни давом эттириш учун зарур бўлган жиҳатлар кўриб чиқилган.

Жисмоний ва руҳий зўриқишнинг инсон организмига таъсири бўлимида жисмоний ва психоэмоционал юкламанинг инсон организмига қандай таъсир қилиши батафсил ёритилган. Спортчиларнинг жисмоний ёки руҳий стрессга бўлган реакциялари, уларнинг саломатлигига қандай таъсир қилиши ва бу таъсирларнинг узоқ муддатли оқибатлари муҳокама қилинади. Жисмоний ва психоэмоционал стресснинг организмнинг турли тизимларига, жумладан ичак микробиотасига таъсири бўйича аниқ мисоллар келтирилган.

Ичак микробиотасининг инсон саломатлигини сақлашдаги ўрни, микробиомнинг турли функциялари ва унинг организмга таъсири бўйича мавжуд адабиётларнинг таҳлили ушбу бўлимнинг асосий мазмунини ташкил этади. Ичак микробиотаси, хусусан, иммун тизими, метаболизм, ва психоэмоционал ҳолат билан боғлиқ муаммоларга қандай таъсир кўрсатишини ўрганишга алоҳида эътибор берилади.

Жисмоний юкламага нисбатан ичак микробиомининг жавоби бўлимда жисмоний юклама ичак микробиотасига қандай таъсир қилиши муҳокама қилинади. Спортчиларда юзага келадиган микробиота ўзгаришлари,

уларнинг иммун тизимига, метаболизмга ва жисмоний фаолиятга қандай таъсир қилиши бўйича турли тадқиқотлар таҳлили кўриб чиқилган. Бу бўлимда, шунингдек, спортчилар микробиота балансига таъсир қилиши мумкин бўлган омиллар: машғулотлар интенсивлиги, спорт тури ва жисмоний тайёргарлик ҳам таҳлил қилинган.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, ичак микробиотаси дисбаланси, жисмоний ва психоэмоционал юкламаларга нисбатан организм реакциясини кучайтиради ва бу, ўз навбатида, спортчиларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, спорт тиббиётида микробиотанинг аҳамияти ортиб бормоқда ва унинг ҳолатини оптималлаштириш бўйича замонавий ташҳислаш ва коррекция қилиш усуллари ишлаб чиқилган.

Бу бобда ичак микробиотасининг спортчилар организмига таъсири хамда ҳаддан зиёд жисмоний ва руҳий зўриқишлар шароитида микробиота дисбаланси билан боғлиқ касалликларни олдини олиш ва даволаш ишнинг долзарблигини кўрсатади. Бу эса тадқиқотларни давом эттириш кераклигини тасдиқлайди.

Диссертациянинг **“Спортчиларда жисмоний ва психоэмоционал зўрикиш таъсирида ошқозон ичак тизими функционал холатни баҳолашда материал ва усуллар”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг объекти, предмети ва усуллари батафсил баён қилинган. Клиник тадқиқотлар Тошкент шаҳридаги Республика Олимпия ва Паралимпия спортчиларини тайёрлаш марказида ва шаҳар Тиббий маслаҳат ва диагностика марказида ўтказилган. Тадқиқотга 13-16 ёш оралиғидаги турли спорт турлари билан шуғулланувчи 102 нафар ўсмир спортчи жалб қилинган. Назорат гуруҳини эса спорт билан шуғулланмайдиган 16 нафар соғлом ўсмир ташкил этган.

Барча иштирокчиларга тиббий текширувлар ўтказилган, жумладан, сўровнома, антропометрик кўрсаткичлар ўлчови, қон босими, ЭКГ, пульсоксиметрия ва Летунов синамаси амалга оширилган. Ошқозон-ичак тизимининг ҳолати ультратовуш текшируви ва эзофагогастродуоденоскопия ёрдамида ўрганилган. Юрак-қон томир тизимини баҳолаш учун ЭКГ, пульсоксиметрия ва Летунов синамаси қўлланилган.

Қон лаборатория текширувлари, шу жумладан биокимёвий ва гормонал таҳлиллар ўтказилган, шунингдек ичак микробиотасини ўрганиш мақсадида копрологик текширувлар ўтказилган. Асаб-руҳий ҳолатини баҳолаш учун эса Т.А. Немчин томонидан ишлаб чиқилган сўровнома ва ФФК(Фаровонлик,Фаолият,Кайфият) услуби қўлланилган.

Тадқиқот маълумотлари Microsoft Office Excel va IBM SPSS Statistics v.26 дастурлари ёрдамида статистик таҳлил қилинган бўлиб, гуруҳлар ўртасидаги фарқларни баҳолашда χ^2 критерияси қўлланилган.

Диссертациянинг “**Ўсмир спортчиларда клиник-лаборатор, инструментал текширувлар ва психо-эмоционал ҳолатининг**

хусусиятлари” номли учинчи бобида ўсмир спортчиларда овқат ҳазм қилиш тизимининг функционал ҳолати ва унинг ичак микробиотасига таъсирини батафсил ўрганиш зарурияти кўриб чиқилган. Жисмоний юкламалар ва организмдаги функционал бузилишлар, биокимёвий, липид ва гормонал профилга таъсир кўрсатиши мумкин. Тадқиқотимизда 102 нафар ўсмир спортчилар (35 нафар футболчи ва 67 нафар аэробик спорт турларида шуғулланувчи) ва 16 нафар спорт билан шуғулламайдиган соғлом ўсмирлар назорат гуруҳига киритилди. Ўсмирларнинг ўртача ёши 16±1,4 йилни ташкил этилган.

Тадқиқотда антропометрик ўлчовлар (бўй, вазн, юрак уриш тезлиги, қон босими ва кислород сатурацияси) амалга оширилди. Шунингдек, Летунов синамаси ёрдамида спортчилар организмининг жисмоний юкламаларга жавоб реакцияси баҳоланди. Улар нормотоник (92,5% асосий гуруҳда ва 77,2% футболчиларда), гипертоник (6% асосий гуруҳда ва 11,4% футболчиларда) ва гипотоник (1,5% асосий гуруҳда ва 11,4% футболчиларда) реакцияларини кўрсатилган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, спортчиларнинг организми ташқи муҳитга мослашиши учун умумий адаптация механизмларини фаоллаштиради ва бу реакциялар бир-бири билан боғлиқ ҳолда ривожланади.

Ҳар икки гуруҳдаги спортчи ўсмирлар орасида ошқозон-ичак тизимининг (ОИТ) функционал бузилишларини ўрганиш учун комплекс текширувлар ўтказилди. Анкеталар ва ташхислаш асосида қуйидаги ҳолатлар аниқланган: ичак таъсирланиш синдроми (ИТС), ичак дисбактериози, сурункали гастродуоденит (СГД), сурункали холесистит (СХ), ўт йўллари дискинезияси ва функционал диспепсия. Тадқиқотлар натижасида, ёндош касалликлар ўсмирларнинг умумий саломатлигига жиддий таъсир кўрсатиши ва 1-даражали анемия ривожланишига олиб келиши аниқланган.

Ўтказилган тадқиқотда учта ўсмирлар гуруҳи солиштирилди: назорат гуруҳидаги спорт билан шуғулланмайдиган ўсмирлар ва мунтазам жисмоний фаоллик билан шуғулланаётган ўсмирлар гуруҳи. Спорт билан шуғулланмайдиган гуруҳ саломатлик бўйича сезиларли даражада яхши натижалар кўрсатган. Спорт билан шуғулланувчи асосий гуруҳда эса 35,8% ва таққослаш гуруҳида 25,7% ўсмирларда 1-даражали анемия ташхиси қўйилди. Бу изланишлар, жисмоний зўриқишларнинг анемия ривожланишига ва умумий саломатликка таъсири ҳақида саволларни юзага келтиради.

1-жадвал футболчилар (n=35) ва циклик турдаги спортчилар (n=67) гуруҳлари ўртасида касалликларнинг тарқалишига доир маълумотларни кўрсатади. Циклик турдаги спортчилар футболистларга нисбатан 1,7 марта кўпроқ ичак дисбактериозидан азият чеккан. Футболчилар гуруҳида эса ўт йўллари дискинезияси кўпроқ учраган (28,5% ва 13,4%).

1-Жадвал

Ўсмирлар ўртасида дастлабки текширув вақтида турли спорт турлари бўйича касалликларнинг частотаси

Касалликлар	Ўрганилган гуруҳлар					
	Футбол, n=35			Циклик спорт турлари, n=67		
	abs	M±m,%	P	abs	M±m,%	P
ИТС	3	8,57±4,73	Хи-квадрат = 18,657; p = 0,002	5	7,46±3,21	Хи-квадрат = 98,940; p = 0,000
Ичак дисбактериози	13	37,14±8,17		41	61,19±5,95	
Гастродуоденитлар	3	8,57±4,73		4	5,97±2,89	
Сурункали тошсиз холецистит	5	14,29±5,91		7	10,45±3,74	
Ўт йўллари дискинезияси	10	28,57±7,64		9	13,43±4,17	
Функционал диспепсия	1	2,86±2,82		1	1,49±1,48	
P	Пирсон Хи-квадрат=6,109; p=0,296					

Жадвал 2 иккита гуруҳдаги спортчиларда диспептик симптомларининг учраш частотасини кўрсатади. Футболчилар гуруҳида кўпроқ кекириш ва қабзият, циклик спортчилар гуруҳида эса қорин соҳасида оғриқ, қорин дам бўлиши ва бўтқасимон нажас кузатилди. Бу фарқлар спортчилар орасида жисмоний фаолликнинг ошқозон-ичак тизимига турлича таъсирини кўрсатади.

2- Жадвал.

Ўсмир спортчиларда диспептик симптомларнинг частотаси

Диспепсик симптомлар	Спортчилар гуруҳлари				Пирсона Хи-квадрат	
	Таққослаш гуруҳи (футболчилар), n=35		Асосий гуруҳ (циклик спорт турлари), n=67			
	abs	M±m, %	abs	M±m, %	χ^2	P
Қоринда оғриқ ва дискомфорт	10	28,57±7,64	34	50,75±6,11	4,609	0,032
Оғизда аччиқ таъм	13	37,14±8,17	16	23,88±5,21	1,987	0,159
Кекириш	11	31,43±7,85	18	26,87±5,42	0,235	0,628
Жиғилдон қайнаш	4	11,43±5,38	8	11,94±3,96	0,006	1,000
Кўнгил айнаш	5	14,29±5,91	15	22,39±5,09	0,957	0,328
Метеоризм	3	8,57±4,73	37	55,22±6,08	20,991	0,000
Бўтқасимон нажас	5	14,29±5,91	25	37,31±5,91	5,872	0,015
Шаклланган еғли нажас	1	2,86±2,82	5	7,46±3,21	0,881	0,661
Қабзият	15	42,86±8,36	20	29,85±5,59	1,725	0,189
Альтернатив қабзият ва бўтқасимон нажас	17	48,57±8,45	16	23,88±5,21	6,404	0,011

Футболчилар ва циклик спорт турлари билан шуғулланувчи ўсмирлар ўртасидаги қўшимча симптомлар хам кузатилади, булар: умумий ҳолсизлик, бош оғриғи, умуртқа поғонасида оғриқлар ва эмоционал ўзгарувчанлик, аммо статистик таҳлил натижаларига кўра, бу фарқлар сезиларли даражада аҳамиятга эга эмас. Тадқиқот шуни кўрсатдики, циклик спорт турлари билан шуғулланувчи спортчиларда қорин оғриғи ва ноқулайлик, қорин дам бўлиши, бўтқасимон нажас хамда қабзият ва суюқ нажас алмашиниб келиши каби симптомлар тез-тез учрайди. Футболчилар гуруҳида эса кўпроқ оғизда аччиқ таъм бўлиши, қабзият ва жиғилдон қайнаши кузатилади. Бунда сезиларли статистик фарқлар аниқланмади, бу эса ўсмир спортчиларнинг саломатлигинини таҳлил қилишда аҳамиятли бўлиши мумкин.

Шунингдек, 20% футболчилар ва 25,3% аэроб турдаги спортчилар умумий ҳолсизликни билдиришган, бироқ, статистик таҳлил икки гуруҳ орасида сезиларли фарқни аниқламади (χ^2=0,369, п=0,544). Вақти-вақти билан бош оғриғига келсак, 14,29% футболчилар ва 25,37% аэроб турдаги спортчилар баъзида бош оғришига шикоят қилган, лекин статистик жиҳатдан сезиларли фарқ аниқланмаган (χ^2=1,671, п=0,196). Умуртқа поғонасида ва бўғимлардаги оғриққа 11,43% футболчилар ва 13,43% аэроб турдаги спортчилар шикоят қилган, лекин сезиларли фарқ аниқланмаган (χ^2=0,083, п=1,000). Шу билан бирга аэроб турдаги спортчиларда кўпроқ эмоционал ўзгарувчанлик (32,84%) кузатилган, футболчиларда эса камроқ учраган (25,7%), бироқ сезиларли статистик фарқ аниқланмаган (χ^2=0,551, р=0,458).

Шундай қилиб ҳолсизлик, бош оғриғи, умуртқа ва бел соҳасида оғриқлар каби қўшимча симптомлар иккала гуруҳда учраш частотаси статистик жиҳатдан сезиларли фарқланмади, бу эса ўсмир спортчилар саломатлигини баҳолашда муҳим ўрин тутади.

Тадқиқот давомида турли спортчи ўсмирларда овқат ҳазм қилиш тизими ҳолатини ўрганиш учун трансабдоминал ультратовуш текшируви ўтказилди. Натижада 45 нафар (44,1%) иштирокчида жигар ва ўт пуфаги соҳасида диффуз гиперэхоген ва эхоструктурали ўзгаришлар аниқланган. Умуман, 37,7% иштирокчида гепатобилиар тизимда баъзи ўзгаришлар кузатилган. Ушбу ўзгаришлар ўртача интенсивликдаги жисмоний юкламалар билан боғлиқ бўлиб, улар “марказлашган қон айланиши” ҳисобига жигарнинг ишемиясига олиб келиши мумкин.

5 нафар футболчида (14,3%) гипомотор типдаги сурункали тошсиз холецистит ва 10 нафар (28,5%) ўсмирда ўт йўлларининг дискинизияси (ЎЙД) аниқланган. Асосий гуруҳда сурункали тошсиз холецистит 7 нафар (10,5%) спортчида, ЎЙД эса 9 нафар (13,5%) спортчида аниқланган. Бу футболчиларда билиар тизимининг дисфункцияси кўпроқ эканлигини кўрсатади.

Умумий қон таҳлилининг натижалари қуйидаги кўрсаткичларни кўрсатди: назорат гуруҳида гемоглобин даражаси 132,75±11,33 г/л,

футболчилар гуруҳида 122,66±8,41 г/л (p=0,01) бўлган ва асосий гуруҳда эса 124,79±11,65 г/л ни ташкил этган (p=0,001). Эритроцитлар миқдори назорат гуруҳида 4,56±0,47 х 10^12/л, футболчиларда 4,39±0,47 х 10^12/л, асосий гуруҳда эса 4,23±0,53 х 10^12/л бўлиб, бу назорат ва футболчилар гуруҳларига нисбатан асосий гуруҳда сезиларли пасайиши кузатилган (p=0,001). Бундан ташқари циклик спортчиларда ЭЧТ кўрсаткичи назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада юқори (8,39±3,73 мм/с) бўлган (p=0,001).

Шу билан бирга биокимёвий кўрсаткичларга, айниқса жигар функциясини акс эттирувчи кўрсаткичларга алоҳида эътибор қаратилди (3 жадвал). Назорат гуруҳида АСТ миқдори 24,65±12,28, футболчиларда 15,57±4,4, асосий гуруҳда эса 20,66±9,62 бўлган. АЛТ миқдори эса назорат гуруҳида 18,75±10,51, футболчиларда 15,14±5,28 ва асосий гуруҳда 19,82±8,63 бўлган. Бу кўрсаткичлар жигарни зараланишидан далолат беради. Билирубин миқдорига келсак, умумий билирубин даражаси назорат гуруҳида 14,4±5,57, футболчиларда 7,73±3,61, асосий гуруҳда эса 11,31±3,39 бўлиб, сезиларли фарқлар мавжуд. Боғланган билирубин миқдори назорат гуруҳида 2,12±0,55, футболчиларда - 0,89±0,66, ва асосий гуруҳда - 2,26±1,3 бўлган (3-жадвал).

Бундан ташқари қонда умумий оқсил, мочевина, креатинин ва глюкоза миқдори ҳам аниқланган, бироқ гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқ аниқланмаган.

Умуман олганда, клиник-биокимёвий таҳлил натижаларига кўра, асосий гуруҳдаги спортчиларда жисмоний юкламаларга боғлиқ физиологик ўзгаришлар кузатилган.

3-Жадвал

